

## ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАЛАРИНИ КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИ ВА ДУНЁ МАМЛАКАТЛАРИ ТАЖРИБАСИ

*Бекмуродов Абдувоҳид Абдуманнон ўғли*

*Сирдарё вилояти ИИБ ҳузуридаги Тергов бошқармаси кадрлар гуруҳи катта  
инспектори*

*Э-маил: [abduvohidbekmurodov@gmail.com](mailto:abduvohidbekmurodov@gmail.com)*

**Аннотатсия:** Ушбу мақолада йўл-транспорт ҳодисаларининг келиб чиқиш сабаблари в уларнинг таҳлили, йўл-транспорт ҳодисаси энг кўп содир этилаётган мамлакатлар ва бошқа фикр ҳамда мулоҳазалар акс эттирилган, адабиётлар ўрганилиб, умумий хулоса қилинган.

**Калит сўзлар:** йўл-транспорт ҳодисаларини келиб чиқиш сабаблари таҳлили (*Сирдарё вилояти кесимида 9 ойлиги олинган*), йўл-транспорт ҳодисалари энг кўп бўлган 10 та давлат, “2021-2030 йилларда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўн йиллик ҳаракат”, йўл ҳаракатини олдини олишга қаратилган чора тадбирлар.

### **ЙТХ сабаблари таҳлил қилинганида.**

- тезликка амал қилмаслик **4.1 %**
- чарчоқлик, рулда ухлаб қолиш **12,5 %**
- йўл белгиларига риоя қилмаслик **15,6 %**
- чорраҳадан ўтиш қоидаларини бузиш **6.2 %**
- йўналишни ўзгартириш **15,6 %**
- қарама-қарши йўналишга чиқиш **10,4 %**
- оралиқ масофани сақламаслик **9,3 %**
- светафорга амал қилмаслик **10,4 %**
- ёритиш чироқларидан фойдаланиш **3.1 %**
- пиёдага йўл бермаслик **8,3 %**
- бошқа қоидабузарлик 4,1 % ни ташкил этган.

**Ушбу йўл-транспорт ҳодисалари содир этилган вақтлари бўйича таҳлил этилганида;**

- 15.6 фоизи соат 00-00 дан 06-00 гача,
- 10.4 фоизи соат 06-00 дан 09-00 гача,
- 13.5 фоизи соат 09-00 дан 12-00 гача,
- 15.6 фоизи соат 12-00 дан 15-00 гача,
- 18.7 фоизи соат 15-00 дан 18-00 гача,
- 11.4 фоизи соат 18-00 дан 21-00 гача,
- 14.5 фоизи соат 21-00 дан 24-00 гача бўлган вақт оралиғида содир бўлган.

**Ушбу йўл-транспорт ҳодисалари содир этган ҳайдовчилар ёшлари бўйича таҳлил этилганида;**

- 10.4 фоизи 18 дан 22 ёшгача,
- 15.6 фоизи 23 дан 27 ёшгача,
- 18.7 фоизи 28 дан 32 ёшгача,
- 11.4 фоизи 33 дан 37 ёшгача,
- 14.5 фоизи 38 дан 42 ёшгача,
- 8.3 фоизи 43 дан 47 ёшгача,
- 7.2 фоизи 48 дан 52 ёшгача,
- 7.2 фоизи 53 дан 60 ёшгача,
- 6.2 фоизи 60 ёшдан юқори ҳайдовчиларнинг айби билан содир этилганлиги аниқланган.

**Ушбу йўл-транспорт ҳодисалари ҳафта кунлари бўйича таҳлил этилганида;**

- 15.6 фоизи душанба куни,
- 11.4 фоизи сешанба куни,
- 11.4 фоизи чоршанба куни,
- 14.5 фоизи пайшанба куни,
- 18.7 фоизи жума куни,
- 11.4 фоизи шанба куни,
- 16.6 фоизи якшанба куни содир этилган.

## **Йўл-транспорт ҳодисалари энг кўп бўлган 10 та давлат:**

Йўл-транспорт ҳодисалари бутун дунё бўйлаб ўлим ва жароҳатларнинг муҳим сабабидир. Йўлларда автотранспорт воситалари сонининг кўпайиши ва эҳтиётсизлик, ёмон йўл шароити ва хавфсизлик чораларининг йўқлиги каби турли омиллар туфайли йўл-транспорт ҳодисалари глобал муаммога айланди. Ҳар бир мамлакат муаммони ҳал қилишда ўзига хос қийинчиликларга дуч келган бўлса-да, бази мамлакатларда йўл-транспорт ҳодисалари бошқаларга караганда юқори. Ушбу мақолада биз энг кўп йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлган 10 та давлатни батафсил кўриб чиқамиз.

Ушбу мақолада биз йўл-транспорт ҳодисалари энг кўп бўлган 10 та давлат рўйхатини тақдим этдик.

Йўл-транспорт ҳодисалари энг кўп содир бўлган мамлакатлар қаторига Ҳиндистон, Хитой, Бразилия, АҚШ, Россия, Индонезия, Мексика, Таиланд, Эрон ва Жанубий Африка киради.

Мазкур мамлакатларда йўл-транспорт ҳодисалари сонининг кўплиги экспертлар томонидан йўлларда автомашиналарнинг кўплиги ҳамда хайдовчилар томонидан йўл ҳаракати қоидаларига амал қилмасликда деб ҳисоблайдилар.



**Женевада Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг “2021-2030 йилларда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўн йиллик ҳаракат” номли Глобал ижтимоий кампания тақдимоти ўтказилди.**

Бундан кўзланган мақсад 2030 йилгача йўл-транспорт ҳодисалари орқали ҳалок бўлиш ва жароҳат олиш ҳолатларини камида 50 фоиз камайтиришдир.

Яна бир маълумот: йўл-транспорт ҳодисалари кейинги ўн йилликда яна 13 миллион инсоннинг ўлимига ва 500 миллион кишининг жароҳат олишига сабаб бўлиши мумкин. Бунда, айниқса, аҳолиси паст ва ўртача даромадга эга мамлакатлар кўпроқ жабр кўради. Хуллас, бутун дунёда бевақт ўлим ҳолатининг асосий сабабларидан бири айнан йўл-транспорт ҳодисалари бўлиб қолмоқда.



«Йўл-транспорт ҳодисалари ногиронлик, кулфат, азоб, молиявий зарар ва бошқа турли кўнгилсизликлар кўринишида оилаларга, жамоаларга, жамиятга, соғлиқни сақлаш тизимига, умуман, бутун инсониятга чексиз талафот келтирмоқда», – дейди ЖССТ бош директори Тедрос Адханом Гебрейесус. — Йўлларни ва транспорт воситаларини янада хавфсиз қилиш, пиёдалар ўтишжойларини, велосипедда юриш хавфсизлигини кучайтириш ҳамда инфратузилмани ривожлантиришга ёрдам беришни кучайтириш билан бундай кулфатларни сезиларли даражада камайтирса бўлади. Глобал ўн йиллик режа йўллардаги хавфсизликни таъминлашга қаратилган ҳаракатдир. Ушбу ҳужжатда барча мамлакатлар ва ҳамжамият амалга ошириши керак бўлган аниқ қадамлар акс этган».



«Одамлар ҳаётини яхшилаш, уларни қутқаришнинг энг яхши усули кўчаларимизни янада хавфсиз қилиш, – дейди “Bloomberg LP” ва “Bloomberg Philanthropies” асосчиси, ЖССТ юқумсиз инфекция хасталиклари ва жароҳатлар бўйича жаҳон элчиси Майкл Блумберг. –Афсуски, бу ишларга кўпинча етарли эътибор қаратилмайди. “Bloomberg Philanthropies”2007 йилдан буён қонунларни кучайтириш, қонун устуворлигини ошириш кўча дизайнини, маълумотлардан фойдаланиш тартибини ўзгартириш йўли билан йўл ҳаракати хавфсизлигини ошириш устида иш олиб бормоқда. ЖССТ йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича тақдим қилган ушбу режа ўзида кўплаб стратегияларни жамлаган ва бутун дунёда ҳукуматларга йўл ҳаракати хавфсизлигини кучайтиришни устувор вазифага айлантиришга ундайди».

### **Йўл ҳаракатини олдини олишга қаратилган чора тадбирлар.**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида йўл-транспорт ҳодисаларининг сони ортиб бораётганлиги сабабли, мазкур соҳадаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида 2024 йил 19 январь куни Ўзбекистон Республикасининг “йўл ҳаракати тўғрисида”ги қонуни қабул қилиниб, ушбу қонун билан йўл ҳаракати соҳасидаги барча муносабатлар тартибга солинди.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

#### **1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг**

**15.11.2011 йилдаги “Йўл-транспорт ҳодисаларини ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 303-сонли қарори.**

2. *Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 18 ноябрь кундаги “Суд экспертизаси тўғрисида”ги қонуни.*

3. *Суд экспертизаси: саволларни шакллантиришнинг муҳим жиҳатлари ўқув қўлланма муллифлар: Т.Рустамбеков, М.Қаландарова, Н.Қурбонов. Тошкент-2021 й 46-47б.*

4. *“Йўл ҳаракати ҳавфсизлиги тўғрисида”ги 2023 йил 31 январь кундаги қонуни.*

*Фойдаланилган интернет ресурслари:*

1. [www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)

2. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

3. [www.oliysud.uz](http://www.oliysud.uz)

4. [www.akadmvd.uz](http://www.akadmvd.uz)

5. [www.tsul.uz](http://www.tsul.uz)

<https://zamon.uz/uz-to/detail/>

<https://sudex.uz/?p=5700>

<https://senat.uz/oz/controlactivity/post-1283>

<https://lex.uz/docs/1899292>